ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРОВ АКОБИР РИЗОҚУЛОВИЧ

СОЧ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ШАХСНИ АНИҚЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.24 – Суд тиббиёти

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2026

УЎК: 340.6: 612.118.221.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Нуров Акобир Ризоқулович
Соч хусусиятларини ўрганиш асосида
шахсни аниқлашни такомиллаштириш 3

Нуров Акобир Ризокулович
Совершенствование идентификации личности
на основе изучения особенностей волос …..... 21

Nurov Akobir Rizokulovich
Improving personal Identification
based on the study of hair properties ……..…… 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works .....…. 46

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРОВ АКОБИР РИЗОҚУЛОВИЧ

СОЧ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ШАХСНИ АНИҚЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.24 – Суд тиббиёти

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Tib5601 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Хасанова Мухаррама Алмаредановна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Юлдашев Бахром Собиржаневич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Абдуллаев Бахтиёр Саидович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «_ _»__ __ _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат тиббиёт университетиининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ _____ __ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____да тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Б. Саидов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда суд-тиббий экспертиза амалиётида соч толалари қотиллик, жинсий жиноятлар, тан жароҳати етказиш, бахтсиз ҳодисалар ҳамда ҳайвонлар ва уларнинг жунини ўғирлаш ҳолатларида шахсни идентификация қилишнинг муҳим ашёвий далили бўлиб қолмоқда. Муаллифлар таъкидлашича, «...ҳозирги вақтда аксарият суд биологик лабораторияларида ҳар қандай турдаги экспертизаларни амалга ошириш учун воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар, текшириладиган объектларнинг алоҳида қисмларидан фойдаланилади...»[1]. Соч экспертизасида аввало текширилаётган объектнинг соч эканлиги, одам ёки ҳайвонга, тананинг қайси қисмига мансублиги, шикастланиш мавжудлиги ва уни етказган буюм тури, соч юлиб олинганми ёки ўзи тушганми деган масалалар ҳал этилади. Энг мураккаб вазифа эса сочнинг муайян шахсга тегишлилигини аниқлашдир. Ҳодиса жойидан олинган сочлар гумон қилинувчи шахс сочлари билан қиёсланганда морфологик белгилар (пўстлоқ модда, ўзак ва кутикула тузилиши, пигментация хусусиятлари) сочнинг муайян шахсга мансублиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Сочларда АВ0 тизими бўйича гуруҳий мансубликни аниқлаш эса бу хулосанинг асослилигини оширади. Сочлар ташқи омилларга чидамли бўлгани учун уларда АВ0 антигенлари мурдалар кўмилганидан кейин ҳам узоқ вақт сақланади. Сочларнинг гуруҳий мансублигини аниқлашда қўлланиладиган серологик усуллар α ва β қон зардоблари, анти-А, анти-В ва анти-Н гетероиммун зардоблар, баъзан эса қимматбаҳо зардобларнинг алоҳида серияларини талаб этади, бу эса жиддий қийинчиликлар туғдиради. Шу муносабтда сочларда АВ0 антигенларини аниқлаш, морфологик хусусиятларни қиёслаш, фитагглютининлар билан абсорбциянинг миқдорий модификацияси, абсорбция-элюция ва аффин хроматография усулларини қўллаш масаласи долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда ашёвий далилларда соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсни аниқлашни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада суд-тиббий экспертиза муассасалари хулосаларидаги маълумотлар бўйича инсон сочларида АВ0 тизими антигенларини аниқлашда олинган мусбат натижалар, инсон боши сочларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш, таққослаш, сочларни гуруҳий мансублигини фитагглютининлар ёрдамида аниқлашда абсорбцияси миқдорий модификацияси, абсорбция-элюция реакцияси, шунингдек бир неча афзалликларга эга бўлган аффин хроматография усулини қўллашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, суд-тиббий экспертиза фаолиятини самарадорлигини ошириш борасида муайян

[1] Малоярославцева В.В., Гуль В.И. и др. Об определении групповой принадлежности волос по клеткам сохранных луковиц // Судебно-медицинская экспертиза. - М., 2019- №2-с.76-80.

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» [2] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, соч хусусиятларини ўрганиш асосида сочнинг муайян шахсга тегишлилигини аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-270-сон «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Асосий ва доимий ҳал этилувчи масала бўлиб қотиллик, бахтсиз ҳодисаларда, жинсий ва бошқа жиноятларда жабрланувчилар ва айбланувчиларнинг танаси ва кийимларида, шунингдек, жиноят содир этилган жойдаги турли буюмларда топилиши мумкин бўлган сочга ўхшаш толалари суд тиббий амалиётида ашёвий далиллар ҳисобланади (Барсегянц Л.О. ва ҳаммуал., 2015; Дерюгин Г.Б. ва ҳаммуал., 2019, Аушева З.И. ва ҳаммуал., 2021). Воқеа жойидан олинган соч толлари, бошқа организм ажралмалари каби, гуруҳий хусусиятларига эга ва ҳар бир шахснинг соч толаларини морфологик хусусиятлари ва гуруҳий мансублиги, шахснинг қон гуруҳига мос келади. Сочларда гуруҳий омилларни аниқлаш скелетланган, чириган мурдаларнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш масаласини ҳал этишда янада катта аҳамият касб этади, чунки сочлар ташқи омиллар таъсирига жуда чидамли бўлиб, уларда АВ0 тизими антигенлари мурдалар дафн этилганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида аниқланиши мумкин (Аверянова Ю.А. ва ҳаммуал., 2016; Матвеева В.Н. ва ҳаммуал., 2019). Суд тиббиёти амалиётида аксарият ҳолатларда сочлар маълум шахсдан (ўлдирилган, гумондор) юлиб олинган бўлиши

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

мумкинлиги тўғрисидаги масала юзага келади. Бундай ҳолатларда ушбу шахслардан солиштириш учун соч намуналари олинади. Агар топилган сочлар бошдан олинганлигига шубҳа туғилса, у ҳолда солиштириш учун бошдан сочлар олинади. (А.А. Гусаров ва ҳаммуал., 2018; О.Д. Ягмуров ва ҳаммуал., 2017; В.Л. Сидоров ва ҳаммуал., 2022). Сўнгги вақтларда ашёвий далилларни суд-тиббий экспертизасида сочларнинг маълум бир шахсга тегишли эканлигини аниқлаш, сочларнинг ўхшашлигини суд-тиббий экспертизадан ўтказиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қотиллик ва жинсий жиноятлардан намуналарни текшириш билан боғлиқ текширувлар, экспертиза тақдим этилган сочлар кимга тегишлигини аниқлаш, одатда мураккаб экспертиза вазифаси бўлиб, ечимнинг муваффақияти классик усуллар сочларни морфологик белгилар ва гуруҳий мансубликни қиёсий таҳлил қилишга асосланган. (Р.А. Калекин ва ҳаммуал., 2018; А.К. Туманов ва ҳаммуал., 2019; Н.Н.Михайлова ва ҳаммуал., 2021).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан (С.Н. Ибадуллаев, 1991; Д.Д. Джалолов, 2012; М.А. Хасанова, 2022) ашёвий далил сифатидаги сочларнинг экспертизаси муҳим аҳамияти асослаб берилган. Бироқ, биологик ашёвий далиллар - соч толаларни гуруҳий мансублиги масалалари фитагглютининлар ёрдамида аффин хроматографияси усулида аниқлаш тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур усул бажарилиши жиҳатидан содда, кенг қўллаш мумкин бўлган, юқори сезувчанликка эга ҳамда носпецифик боғланган антитаналарни ювиб ташлаш каби меҳнат талаб жараённи талаб қилмайди. Ушбу усул фақат қон доғларини текширишда синовдан ўтказилган бўлиб, унинг сочлардаги антигенларни аниқлаш учун қўллаш имконияти ҳали текширилмаган.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики ашёвий далиллар сифатида олинган соч толаларни гуруҳий мансублигини аниқлаш шубҳасиз. Таъкидлашимиз жоизки, режалаштирилган тадқиқот иши амалий суд-тиббий экспертизанинг асосий вазифаларидан бирини ҳал этиш учун, ушбу муаммолар нафақат амалий материалда синовдан ўтказилиш, балки экспериментал асослаш, ҳамда суд-тиббиёти тадқиқотларини такомиллаштириш диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Суд тиббий экспертиза объектларини тадқиқ этиш ва эксперт баҳолашнинг айрим янги жиҳатлари» (2016-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсон сочларининг хусусиятлари ва гуруҳий мансублигини аниқлаш асосида шахсни идентификация қилиш имкониятларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2016-2020 йиллар давомида Республика суд-тиббиёт экспертизаси илмий-амалий марказининг Тошкент вилояти филиалида инсон сочларида AB0 тизими антигенларини аниқлаш бўйича ўтказилган эксперт текширувлари материалларини ретроспектив таҳлил қилиш;

инсон боши сочларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг илдиз, ўрта ва периферик қисмларига хос белгиларни аниқлаш ва тизимлаштириш;

шахсни идентификация қилиш жараёнида сочларнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш усулларининг имкониятларини баҳолаш;

юлиб олинган соч илдизларида AB0 тизими агглютиногенларини аниқлашда аффинли хроматография усулидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент вилояти филиалида 2016-2020 йиллар давомида суд-биологик бўлимида мурдалар бошидан олинган 648 соч намуналари ретроспектив таҳлили, улардан 52 та мурдалар бошидан олинган сочлар шахсий текширувда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида изозардоблар ва фитагглютининлар ёрдамида гуруҳий мансубликни аниқлаш учун инсон соч толалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик, лаборатор, экспериментал абсорбция миқдорий модификацияси, абсорбция-элюция, аффин хроматоргафия ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соч намунаси бўйича AB0 тизими гуруҳий мансублигини аниқлаш самарадорлиги, шунингдек, гуруҳий мансубликни аниқлашга тўсқинлик қилувчи омиллар (чириш, ёқилғи-мойлаш материаллари, кислота-ишқор ва бўёқлар билан ифлосланиш, термик таъсир, сув ва тупроқда узоқ қолиш) ҳамда AB0 гуруҳларининг жинс бўйича тақсимоти аниқланган;

сочнинг табиий тушганлиги ёки юлиб олинганлигини (соч пиёзчасининг ҳолатига кўра) фарқлашнинг морфологик белгилари асосланиб, сочнинг морфологик хусусиятлари (кутикула, пигментли пўстлоқ ва ўзак) бўйича суд-тиббий баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

сочларда A, B ва 0(H) антигенларини абсорбция реакциясининг миқдорий модификацияси ва абсорбция-элюция усулларида аниқлашда изозардобларнинг ўрнига ўсимлик фитагглютининлари экстрактларини қўллаш асосланган;

суд тиббиёти амалиётида юлиб олинган толалари илдиз пиёзчаларида A ва B антигенларини аффин (биоспецифик адсорбцион) хроматография усули билан аниқлаш тартиби асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, соч намуналарини суд-биологик экспертиза қилишда морфологик белгиларни тизимли баҳолаш ва уларнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш имкониятларини кенгайтириш билан белгиланади;

сочларнинг турли қисмларига хос морфологик белгиларни баҳолаш, ташқи омиллар таъсиридаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва сочнинг одам ёки ҳайвонга мансублигини аниқлаш бўйича амалий ёндашувлар ёритилган. Бу эса экспертиза жараёнида соч намуналарини тўғри текшириш ва олинган натижаларни қиёсий баҳолаш учун муҳимлиги асосланган;

тадқиқотда таклиф этилган фитагглютининлардан фойдаланиш усуллари сочларда АВ0 тизими бўйича гуруҳий мансубликни аниқлашда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган. «Sophora japonica L» ва «Nimrang» экстрактларидан фойдаланиш орқали соч намуналарида А ва В агглютиногенларини аниқлаш имкониятлари ўрганилган.

аффинли хроматография усулини қўллаш эса юлиб олинган соч илдизларида АВ0 тизими антигенларини аниқлаш бўйича қўшимча лаборатор имконият яратиши билан аҳамиятлидир. Ушбу ёндашувлар суд-биологик экспертизада ашёвий далилларни комплекс текшириш ва эксперт хулосаларининг асосланганлигини оширишга хизмат қилиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал тўпланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган экспериментал, лаборатор текширувлар асосида сочларнинг морфологик хусусиятлари ва унинг гуруҳий мансублигини аниқлашнинг ўзиша ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суд тиббиёти амалиётида миқдорий абсорбцияси ва абсорбция-элюция усулидан фойдаланиш сочларнинг гуруҳ мансублигини АВ0 тизими бўйича аниқлаш имконини бериши, сочларда гуруҳий мансублигини аниқлашда фитагглютининларни қўллаш имкониятларининг асослангани, фитагглютининлар ва изозардоблар юқори титрга ва специфик таъсирига эгалиги, тайёрлаш жараёни енгиллиги, иқтисодий жиҳатдан кўп маблағ талаб этмаслиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатги, сочларда гуруҳий мансублигини аниқлашда фитагглютининлардан фойдаланиш сочларни текширишда суд-тиббий экспертиза сифатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини бериши, фитагглютининларнинг АВ0 тизими антигенларига нисбатан специфик таъсири миқдорий абсорбция, абсорбция-элюция ва юқори сезгирлик, ҳамда етарли даражадаги спецификликка эга, кенг фойдаланиш имконини берувчи, бажарилиши содда бўлган аффин хроматография усули ёрдамида исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсон соч хусусиятлари ва сочларда АВ0 тизими антигенларини аниқлашда аффин

хроматография усулидан фойдаланиш имкониятини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: соч намунаси бўйича АВ0 тизими гуруҳий мансублигини аниқлаш самарадорлиги, шунингдек, гуруҳий мансубликни аниқлашга тўсқинлик қилувчи омиллар (чириш, ёқилғи-мойлаш материаллари, кислота-ишқор ва бўёқлар билан ифлосланиш, термик таъсир, сув ва тупроқда узоқ қолиш) ҳамда АВ0 гуруҳларининг жинс бўйича тақсимоти аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/351-t-сон билан тасдиқланган «Соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсни аниқлашни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Бухоро вилоят филиали бўйича 09.07.2025 йилдаги 42Т-сон, Сирдарё филиали бўйича 12.09.2025 йилдаги 36-i-ch-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 10 июндаги 10/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари бўйича суд тиббий экспертиза муассасаларида мазкур турдаги экспертизаларни ўтказишни такомиллаштириш, соч хусусиятларини ва гуруҳий мансублигини аниқлашда эксперт хулосаларининг асосланганлик ва ишончлилик даражасини ошириш таъминланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ҳолатнинг суд тиббий экспертизаси учун сарфланадиган 150000-250000 сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усуллардан фойдаланиш орқали бирламчи экспертиза муддатини 2-3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: сочнинг табиий тушганлиги ёки юлиб олинганлигини (соч пиёзчасининг ҳолатига кўра) фарқлашнинг морфологик белгилари асосланиб, сочнинг морфологик хусусиятлари (кутикула, пигментли пўстлоқ ва ўзак) бўйича суд-тиббий баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/351-t-сон билан тасдиқланган «Соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсни аниқлашни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Бухоро вилоят филиали бўйича 09.07.2025 йилдаги 42Т-сон, Сирдарё филиали бўйича 12.09.2025 йилдаги 36-i-ch-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 10 июндаги 10/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари бўйича суд тиббий экспертиза муассасаларида мазкур турдаги экспертизаларни ўтказишни такомиллаштириш, соч хусусиятларини ва гуруҳий мансублигини аниқлашда эксперт хулосаларининг асосланганлик ва ишончлилик даражасини ошириш таъминланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ҳолатнинг суд тиббий экспертизаси учун сарфланадиган 150000-250000 сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усуллардан фойдаланиш орқали

бирламчи экспертиза муддатини 2-3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: сочларда А, В ва 0(Н) антигенларини абсорбция реакциясининг миқдорий модификацияси ва абсорбция-элюция усулларида аниқлашда изозардобларнинг ўрнига ўсимлик фитагглютининлари экстрактларини қўллаш асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/351-t-сон билан тасдиқланган «Соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсни аниқлашни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Бухоро вилоят филиали бўйича 09.07.2025 йилдаги 42Т-сон, Сирдарё филиали бўйича 12.09.2025 йилдаги 36-i-ch-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 10 июндаги 10/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари бўйича суд тиббий экспертиза муассасаларида мазкур турдаги экспертизаларни ўтказишни такомиллаштириш, соч хусусиятларини ва гуруҳий мансублигини аниқлашда эксперт хулосаларининг асосланганлик ва ишончлилик даражасини ошириш таъминланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ҳолатнинг суд тиббий экспертизаси учун сарфланадиган 150000-250000 сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усуллардан фойдаланиш орқали бирламчи экспертиза муддатини 2-3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: суд тиббиёти амалиётида юлиб олинган толалари илдиз пиёзчаларида А ва В антигенларини аффин (биоспецифик адсорбцион) хроматография усули билан аниқлаш тартиби асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/351-t-сон билан тасдиқланган «Соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсни аниқлашни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Бухоро вилоят филиали бўйича 09.07.2025 йилдаги 42Т-сон, Сирдарё филиали бўйича 12.09.2025 йилдаги 36-i-ch-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 10 июндаги 10/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари бўйича суд тиббий экспертиза муассасаларида мазкур турдаги экспертизаларни ўтказишда, морфологик, таққослаш, суд тиббий, ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, сочларни гуруҳий мансублигини баҳолаш бўйича эксперт хулосаларининг асосланганлик ва ишончлилик даражасини ошириш таъминланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ҳолатнинг суд тиббий экспертизаси учун сарфланадиган 150000-250000 сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усуллардан фойдаланиш орқали бирламчи экспертиза муддатини 2-3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси ҳорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Суд тиббий муносабатларида соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсини аниқлаш замонавий қирралари»** деб номланган биринчи бобида сочларни суд-тиббий экспертиза қилишнинг назарий асослари, уларнинг шахсни идентификация қилишдаги аҳамияти ва мазкур йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Суд тиббиёти амалиётида шахс идентификация қилишда сочларнинг морфологик хусусиятлари ва гуруҳий мансублигини изозардоблар, гетероиммун зардоблар, цоликлонлар, моноклонал антитаналар, фитагглютининлар (лектинлар) ва ҳайвон зардоблари (протектинлар) орқали аниқлаш имкониятлари ҳақидаги замонавий ҳолат батафсил ёритилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Соч хусусиятларини ўрганиш асосида шахсни аниқлашни материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида мазкур масала бўйича қўлланилган тадқиқот материал ва усуллари тўлиқ баён этилган. Ишнинг мақсади ва белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент вилояти филиалида 2016-2020 йиллар давомида суд-биологик бўлимида тирик шахс ва мурдалар бошидан олинган 648 соч намуналари ретроспектив таҳлили ўтказилди. Тадқиқотда 648 та сочлардаги гуруҳий мансублигини аниқлаш бўйича текширувлари ўтказилган бўлиб, шундан 454 та мурдалар ва 194 та

тирик шахсларга тегишли бўлган сочлар бўйича таҳлиллар ўтказилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Мурда сочларини гуруҳий мансублиги аниқлаш

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 454 та мурдалар сочини гуруҳий мансублиги аниқлашда 433 та мурдаларни сочларида гуруҳий мансублиги, яъни мос бўлган агглютиногенлар аниқланган, бу 95,4%ни ташкил этди. 21та мурдаларни сочларида гуруҳий мансублиги аниқланмаган, бу 4,6%ни ташкил этган. Ушбу сочларнинг гуруҳий мансублиги аниқланмаслиги чириган мурдалар соч толалари, бензин, керосин, ишқор-кислота, бўёқлар билан ифлосланиши, шунингдек ташқи омиллар таъсири, мурдани сувда, тупроқда узоқ вақт қолганлиги, куйиш, куя ва кемирувчи ҳайвонлар тамонидан зарараланиши ва бошқа ҳолатлар ҳисобланади. Шунингдек тирик шахслардан олинган 194 та тирик шахс сочлари, шундан 191 та шахслар сочининг гуруҳий мансублиги аниқланган, аммо 3 та шахс сочларида эса гуруҳий мансублиги аниқланмади, яъни ушбу шахслар сочлари термик, кимёвий таъсирга учраганлиги ва сочларнинг гуруҳий хусусиятини юзага чиқманлиги сабабли аниқланмаган (2-расмга қаранг).




2-расм. Тирик шахс сочларини гуруҳий мансублиги аниқлаш бўйича

Тадқиқотда морфологик, абсорбция миқдорий модификацияси, абсорбция-элюция ва аффин хроматография ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Микронамуналар LEYCA F9-4000 ёруғлик микроскопи остида ўрганилди ва микротасвирлар олинди.

Тадқиқотда фитагглютининлар қўлаш профессор М.И. Потапов (2003) томонидан таклиф қилинган усул бўйича экстрактлар тайёрланган. Экстрактлар ёрдамида соч пиёзчасида АВ0 тизими бўйича антигенларни аниқлаш учун аффин хроматография усули қўлланилди. Бунда шишадан

тайёрланган хроматографик камера кўринишида бўлган Д.Д. Джалолов ва Б.С. Абдуллаевлар (1982) томонидан ишлаб чиқилган махсус қурилма ва усуллардан фойдаланилди. Усул қуйидаги тартибда амалга оширилди: узунлиги 0,4-0,5 см.да соч пиёзчаси олинди, сўнгра оддий қалам билан чизилиб бўлинган хроматографик қоғози йўлакларига игна билан маҳкамланди. Ҳар бир хроматографик қоғоз хроматографик камерага туширилди, бунда унинг пастки учи 7:3 нисбатда бутанол-аммиак эритмаси тўлдирилган камера тубига тегиб туриши керак. 30-40 дақиқа ўтиб, хроматограммани камерадан чиқариб олинди ва хона ҳароратида қуритилди. Сўнгра хроматографик қоғозлари бошқа хроматографик камерага шундай жойлаштирилдики, бунда «ФАа-В», «ФАа-А», «α» ва «β» ҳарфлари билан белгиланган хроматографик қоғозлар охири мос ҳолда «Nimrang» узум ва «Saphora Japonica L» сафора экстрактлари шунингдек, «α» ва «β» изозардобларни физиологик эритма билан суюлтирган ҳолда тегиб турди. Камера ёпилади ва 18-24 соат давомида хона ҳароратида такрорий хроматография ўтказилади. Сўнгра хроматограммалар чиқариб олинади ва 20 дақиқа давомида $+56^0$C ҳароратда физиологик эритманинг 2 томчисидан абсорбцияланган ингредиентлар элюрланди. Элюатларга А ва В гуруҳининг стандарт эритроцитларида 1% ли модда қўшилди, сўнгра 4 дақиқа давомида 1000 айл/дақиқа центрифугаланди (3-расмга қаранг).



3-расм. Биологик махсус адсорбцион (аффин) хроматография.

1 – кўприкча кўринишидаги шиша най; 2 – қоғозни ушлаб турувчилар (бир - бирига резина ҳалқалар орқали бириктирилган шиша найчалар); 3 – йўл-йўл чизилган хроматографик қоғозлари; 4 – тадқиқот объектидан олинган ипчалар; 5 – «ФАа-А» экстракти солинган идишлар; 6 – «α» зардобли идишлар; 7 – «β» зардобли идишлар. 8 – «ФАа-В» экстрактли идишлар.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг **«Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказининг Тошкент вилояти филиали маълумотларига кўра сочларни гуруҳий мансублигини аниқлаш бўйича таҳлили»** деб номланган учинчи бобда мурда ва тирик шахслар сочларини гуруҳий мансублиги жинси бўйича таҳлили келтирилган. Таҳлил жараёнида мурда ва тирик шахслар сочларини гуруҳий мансублиги бўйича ҳар бир кузатув суд-тиббий текширувнинг тайинланиши, ўтказилиши амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари нуқтаи назаридан ўрганилди. Экспертизага тақдим этилган материаллар, эксперт текширувини тўлақонлиги, ушбу ҳолатлар бўйича текширувларнинг тегишли стандартлар талабларига мослиги, хулоса тўхтамларида экспертиза олдига қўйилган вазифаларнинг ечими мавжудлиги масаласи ўрганилди. Бунда аёл жинси - 307 та ва эркак жинси - 341 та намуналарни таҳлил қилиш асосида АВ0 тизим бўйича сочларни гуруҳий мансублиги таъсимланиши таҳлил этилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Аёлларда сочларни гуруҳий мансублигини тақсимланиши

Текширув объект	Сони	АВ0 тизими гуруҳлари								
		$0_{\alpha\beta}$(I)		A_{β}(II)		B_{α}(III)		AB_0(IV)		
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	
Тирик шахслар	112	26	23,2	32	28,6	38	33,9	16	14,3	-
мурдалар	195	38	19,5	59	30,2	70	35,9	28	14,4	8
Жами	307	64	20,9	91	29,6	108	35,2	44	14,3	8


Маълумотлардан кўриниб турибдики, аёллар сочлари - 307 та бўлиб, уларни сочларида гуруҳий мансублиги қўйидагича тақсимланган: Биринчи гуруҳ $0_{\alpha\beta}$(I) - 64 (20,9%), иккинчи гуруҳ A_{β}(II) - 91 (29,6%), учинчи гуруҳ B_{α}(III) - 108 (35,2%) ва тўртинчи гуруҳ AB_0(IV) - 44 (14,3%) аниқланган, 8 та мурдалар сочининг гуруҳий мансублиги аниқланмаган. Эркак сочлари - 341тани ташкил этган бўлиб, уларни сочларида гуруҳий мансублиги қўйидагича тақсимланган: Биринчи гуруҳ $0_{\alpha\beta}$(I) - 81 (23,8%), иккинчи гуруҳ A_{β}(II) - 96 (28,2%), учинчи гуруҳ B_{α}(III) - 114(33,4%) ва тўртинчи гуруҳ AB_0(IV) - 50 (14,6%) аниқланган, 13 та мурдалар сочининг гуруҳий мансублиги аниқланмаган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Эркаклар сочларни гуруҳий мансублигини тақсимланиши

Текширув объект	Сони	АВ0 тизими гуруҳлари								
		$0_{\alpha\beta}$(I)		A_{β}(II)		B_{α}(III)		AB_0(IV)		
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	
Тирик шахслар	82	22	26,8	18	22,0	28	34,1	14	17,1	-
мурдалар	259	59	22,8	78	30,1	86	33,2	36	13.9	13
Жами	341	81	23,8	96	28,2	114	33,4	50	14,6	13

Бизнинг тадқиқотимизда РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиали суд-биологик бўлимига келиб тушган мурдаларнинг бошидан олинган 46 та мурда сочлар намуналари текширишдан ўтказилди. Тергов органларини кўпинча ҳодиса жойидан топилган ёки жиноят қуролларидан, ёхуд бирор шахснинг кийимидан олинган сочларнинг муайян шахс сочларига ўхшашлиги ҳақидаги масала қизиқтиради. Шунингдек, кўпинча қуйидаги саволлар қўйилади: сочлар қандайдир механик таъсирга учраганми; сочлардаги шикастланишлар қайси буюм ва қандай усул билан етказилган бўлиши мумкин; уларда термик таъсир излари мавжудми; соч юлиб олинганми ёки табиий равишда тушганми; соч тез ёки секин ҳаракат натижасида узилганми; сочлар қирқилган, жингалак қилинган ёки бўялганми. Текширув давомида 6 та сочнинг механик шикастланишида унинг бутунлиги тўлиқ бузилиши ёки қисман бузилиши - нуқсонлар, ёриқлар ва дарзлар кўринишида кузатилди. Тўмтоқ жисм билан шикастланишда сочларни эзилиши, ҳамда, 4 та соч тола намунасида пўстлоқ моддаси кўндаланг устунчаларга ёпишган, кутикула қатламидан ажралиб кетган, узилган. 6 та сочларни шикастланишида ўткир буюм таъсиридаги жароҳат унинг ўткирлик даражасига боғлиқдир, кесувчи қурол қанча ўтмас бўлса, сочларни жароҳати шунча қўпол бўлади. 4 та соч намунасида соч учлари юзасини кўндаланг ёки қийшиқ кесилишига, ўткир учли енгил ғадир будир ёки текис учларга эга бўлди, бу уларни ўткир қайчи билан кесилганлигини кўрсатади. 6 та соч толаси учларида пўстлоқ моддани тиконли ўсиқлари билан йирик ғадир будирликка, кўндаланг ёки қийшиқ кесма юзасига эга бўлди, бу жароҳат учи тўмтоқ қайчи билан етказилганлигини билдиради. 4 та сочларда катта куч таъсир қилганда кесилиш юзаси кўндаланг ва текис, бурчаклари эса ўткир бўлади. 6 та сочларда эса кучсиз, аммо узоқ тортиш сочнинг узилишига ва поғонасимон учлар ҳосил бўлишига олиб ва поғона асосидан бошланувчи чуқур бўйлама тирқишлар пайдо бўлади(4-5-расмга қаранг).




4-расм Ўтмас жисмдан етказилган шикастлар



5-расм Ўткир жисмдан етказилган шикастлар

Баъзан терговчи учун сочнинг табиий равишда тушганми ёки юлиб олинганми, деган масалани аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юлиб олинган сочлар кураш, ўзини ҳимоя қилиш ёки қандайдир зўравонлик содир бўлганлигидан далолат беради. 4 та табиий равишда тушган сочларни четлари текис бўлган мугузлашган соч пиёзчаси мавжуд. 6 та юлиб олинган сочларнинг пиёзчалари ҳаёт фаолиятини сақлаб қолган ҳужайралар мавжуд бўлади, сочнинг илдиз қисмида соч қини қолдиқлари мавжудлиги аниқланади (6-расмга қаранг).



А

Б

6-расм. Соч пиёзчасииниг умумий кўриниши: А) табиий равишда тушган сочлар учун четлари текис, мугузлашган мавжудлиги; Б) юлиб олинган сочларнинг пиёзчаси қин қобиғининг сақланган

3-жадвал

Инсон сочларини суд тиббий баҳолашдаги мезонлари

№	Сочларни қуйидаги кўрсаткичлар	Морфологик хусусиятлари
1.	Структурасини фарқлаб бўлмайди. Қалинлиги сочнинг $^{1}/3$ қисмидан ошмайди. Соч узунлиги бўйича узлукли бўлиши, оролчалар кўринишига эга бўлиши, узлукли қайишсимон бўлиши мумкин. Соч узунлиги бўйича қалинлиги ўзгариши мумкин. 0,04 мм.дан ингичка сочларда ўзак бўлмайди.	**соч ўзаги**
2.	Сочнинг кўп қисмини ташкил этади. Пигмент бир текисда ёки кутикулага яқин (сарғиш-малла сочларда марказий жойлашган бўлиши мумкин) жойлашади. Пигмент донаси кичик ёки ўрта ўлчамли бўлиши мумкин. Пигментофорлар кичик ва ўртача бўлиши мумкин.	**пўстлоқ модда**
3.	Оптик чеккаси текис бўлиб, тишчаларини бироз фарқлаш мумкин, кутикула ҳужайралари кичик, бир-бирига махкам ёпишади. Тишчалари яқинлашган ёки ҳар хил масофода яқинлашган.	**кутикула**
4.	Кутикула сурати мураккаб, чизиқлари баъзан яқинлашган баъзан узоқлашган сиртмоқсимон, зигзагсимон шакл ҳосил қилади. Ҳужайралар эркин учининг тишсимонлиги кам билинарли, кичик. Сурат кўриниши кучсиз ифодаланган	**кутикула сурати**

3-жадвалда тадқиқот натижари, сочларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўлчамлари, рангли ва шакли, соч ўзаги, пўстлоқ қавати, кутикула ва кутикула сурати белгилари бўйича суд-тиббий баҳолашда қўлланиладиган мезон ишлаб чиқилди. Шунингдек, тадқиқотда сочларнинг морфологик хусусиятларини аниқлашда, ҳар бир соч толаларида ўзига хос бўлган белгилар ўрганилди.

Диссертациянинг **«Суд тиббиёти амалиётида сочларни гуруҳий мансублигини аниқлашни баҳолаш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида сочларнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари, фитагглютининлардан фойдаланиш имкониятлари ва юлиб олинган соч илдизларида АВ0 тизими антигенларини аффинли хроматография усули ёрдамида аниқлаш масалалари баён этилган. Сочларда АВ0 тизими антигенларини фитагглютининлар ёрдамида абсорбция миқдорий модификацияси, абсорбция-элюция ва аффин хроматография усулларда аниқлаш кўрсатилди. Қон гуруҳи аниқланган 52 та мурдалар бошидан олинган (10 та - $0_{\alpha\beta}$(I); 18 та - A_{β}(II); 18та - B_{α}(III) ва 6 та AB_0(IV)) сочларида текширув ўтказилди. Ушбу тадқиқотда сочларни гуруҳий мансублигини анти-А фитагглютинин «Nimrang» узум уруғи экстракти ва анти-В фитагглютинин «Sophora japonica L» сафора уруғи экстрактлари, ҳамда «α» ва «β» изозардоблар ёрдамида абсорбция миқдорий модификацияси усули билан амалга оширилди (4 -жадвалга қаранг).

4-жадвал

Сочларни гуруҳий мансублиги текшируви натижалари

Қон гуруҳи	Ҳолатлар сони	ФА.а-А титри пасайиши	ФА.а-В титри пасайиши	«α» изозардоб титри пасайиши	«β»изозардоб титри пасайиши
		соч	соч	соч	соч
A_{β}(II)	18	5-6 п	0 п	4-5 п	0 п
B_{α}(III)	18	0 п	5-6 п	0 п	3-5 п
$0_{\alpha\beta}$(I)	10	0 п	0 п	0ст	0 п
AB_0(IV)	6	4-5 п	5-6 п	3-4 п	4-5 п

